# 1910426521 - СОН
# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Навоий ш.** **2022 йил "01" январ**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021_ йил "30"декабр_даги 27-01-14/6032 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Навоий_ филиали директори ДЖураев Ж.К. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Бўш объект маркази Навоий номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи А. Шарипов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. *Илк бор уланишда Абонент тўлови* ***100 ( бир юз) фонз*** *миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича* талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 3600000 (Уч миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма ____________ (____________________________) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда ____________ (________________________) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Навоий филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>**"БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ" НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШКАРМАСИ** |
|---|---|
| Манзил: Меъморлар 17А_<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 2021 0000 4040 7483 8382_;<br>СТИР:203366731;<br>МФО:_00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел:_792240212_;<br>E-mail: b2b@uztelecom.uz_; | Манзил: Навоий ш. Садриддин Айний кўчаси 27 уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: ШХР 401021860124017041140021002<br>СТИР: 201295735;<br>МФО: 00014; Банк номи: Марказий банк Тошкент<br>Тел: 79-220-62-15;<br>E-mail: ; |
| **Оператор номидан:**<br>__________ **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:** Бошлиқ<br>__________ **Ф.И.Ш.** А. Шарипов<br>/имзо/<br>м.п. |

Юрист З. Раззакова

**2022-йил “01” январдаги**
**1910426521-сон Абонент шартномасига**
**1-иловаси**

**Кўрсатилаётган хизматлар**

**1. Хизматлар ва тарифлар рўйхати**

*Ўлчов бирлиги – Миллий валюта – (сўм)*

| № | Телефон раками | Хизмат номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | Нархи (қиймати) ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | **1. Бир марталик тўловлар** | | | | |
| | | **II. Хар ойлик тўловлар** | | | | |
| 2.1 | 792206199 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.2 | 792206203 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.3 | 792206207 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.4 | 792206208 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.5 | 792206209 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.6 | 792206210 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.7 | 792206212 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.8 | 792206213 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.9 | 792206214 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.10 | 792206215 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| 2.11 | 792206216 | Абонент тўлови | 6 900,00 | Нархнома | 1 | 6 900,00 |
| | | Жами (олдиндан тўлов) | | | | 75 900,00 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 75 900(етмиш беш минг тўққиз юз) сўм, шу жумладан 15% ҚҚС миқдорида.

*Қўшимча келишувнинг умумий миқдори*______________(________________________________)
сўмни ташкил этади. Ундан 75 900(етмиш беш минг тўққиз юз) сўм миқдорда ойлик абонент тўлови ҳамда 0 (нол) сўм бир маротабалик уланиш учўн рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Навоий филали**

**Оператор номидан:**

**Директор** ____________ **Ж.К.Джураев**
/имзо/
м.ў.

**АБОНЕНТ:**
**"БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ" НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШКАРМАСИ**
**Абонент номидан:** Бошлиғи.

____________ А. Шарипов.
имзо
м.ў.

юрист.
З. Раззакова

**2022-йил “01” январдаги**
**1910426521-сон Абонент шартномасига**
**2–илова**

**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси**

**Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022- йил “01” “январ” 1910426521-сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди**

| т/р | Хизматларноми | Бажарилганлигиҳақида белги |
|---|---|---|
| 1. | Телекоммуникация хизматлари | Бажарилди |

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабулқилиш далолатномаси

| № | Қурилманингдастурийтаъминотноми | Миқдори | Серия кодиёки завод рақами | 15% ҚҚСни инобатга олган ҳолда, етказиб бериш қиймати, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқиниберишни тўғрисидаги ҳужжатдир.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Навоий филиали**

**Оператор номидан:**

**Директор** ________________ **Ж.К.Джураев**
/имзо/
м.ў.

**АБОНЕНТ:**
**"БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ" НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШКАРМАСИ**

**Абонент номидан:** бошлиқ

________________ А. Шарипов.
/имзо/
м.ў.

юрист.
З. Раззакова.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**2022 йил «01» январдаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ва АК "Узбектелеком" ўртасида 3 600 000 сўм умумий суммага тузилган 1910426521-сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб
Шахсий ғазна ҳисобварақ 40102186012401704114002 1002

(сўмда)

| **2022 й. ойлар номи.** | **Харажатлар тури**<br>**(бюджет таснифининг тегишли коди)** | | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|
| | 42 92 100 | | | |
| Январь | 300000 | | | 300000 |
| Февраль | 300000 | | | 300000 |
| Март | 300000 | | | 300000 |
| Апрель | 300000 | | | 300000 |
| Май | 300000 | | | 300000 |
| Июнь | 300000 | | | 300000 |
| Июль | 300000 | | | 300000 |
| Август | 300000 | | | 300000 |
| Сентябрь | 300000 | | | 300000 |
| Октябрь | 300000 | | | 300000 |
| Ноябрь | 300000 | | | 300000 |
| Декабрь | 300000 | | | 300000 |
| Жами йил бўйича | 3600000 | | | 3600000 |

Жами: 3 600 000(Уч миллион олти юз минг)сўм
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ______ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан ___ % 2022 йил ____ ойида тўланиши лозим.

***Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100% жорий ойининг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;
(***) (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ____________ А.Шарипов
(имзо) Ф.И.О.

М.Ў.

Буюртмачи
бош бухгалтери ____________ Н.Шукурова
(имзо) Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди ______________
(имзо)

2022___ й. «___» ________________

Буюртмачи ходими
қабул қилди ______________
(имзо)

2022___ й. «___» ____